

ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА ОНА ОБРАЗИ ТАЛҚИНЛАРИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Гулхаё Фарход қизи Исабаева

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7019863>

Аннотация. Мақолада ўзбек адабиётининг қисса жанрида Она образининг бадиий ифодаси ҳақида сўз юритилган. Қиссалардаги оналарга хос муштарак фазилятлар ўрганилган. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, Исажон Султоннинг “Онаизорим”, Гулжаҳон Мардонованинг “Қуёшим-энам” қиссалари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: қисса, новелла, образ, миллийлик, характер, портрет.

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВЫРАЖЕНИЕ ОБРАЗА МАТЕРИ В УЗБЕКСКОЙ ПОВЕСТИ

Аннотация. В статье говорится о художественной картине образа Матери в жанре новеллы узбеков. Узнали характеристики матерей в сказках. «Творения мира» Откира Хошимова, «Оназорим» Исаджона Султана, «Куёшим-энам» Гулджахон Мардоновой.

Ключевые слова: рассказ, повесть, образ, национальность, персонаж, портрет.

LITERARY EXPRESSION OF THE IMAGE OF THE MOTHER IN THE UZBEK SHORT STORY

Abstract. The article talks about the artistic expression of the image of Mother in the short story genre of Uzbek literature. Common qualities of mothers in stories are explored. O'tkir Hashimov's "Works of the World", Isajon Sultan's "Onaizorim", and Guljahon Mardonova's "Quyoshim-enam" are analyzed.

Keywords: short story, novella, image, nationality, character, portrait.

КИРИШ

Бир сиймо борки, у дунёдаги барча халқлар учун бирдек азиз ва муқаддасдир. У сиймо шубҳасиз, Она сиймосидир. Дунёдаги барча оналарни бирлаштириб турувчи муштарак фазилятлар бисёр. Лекин, айни вақтда, ҳар бир халққа, миллатга мансуб она сиймоси ўз феъл-атвори, табиати, ички ва ташқи дунёси, ҳатто, портрети билан муайян даражада фарқланиб туради.

Она бутун бир халқ, бутун бир миллатнинг ўзига хослиги, шаклланиши, намоён бўлишида алоҳида ўрин тутувчи зотдир ва айни вақтда, ҳар бири жамият, муҳит, шароитнинг вакили сифатида ўзига хосдир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбек халқи оналарининг сиймосини бадиий адабиётда тасвирланишини ва бу тасвирлардаги ўзига хосликни ўрганиш, бу образни бадиий ёритишдаги ёзувчи услуби ва маҳоратини таҳлил этиш- характер яратилишига кўра бадиий адабиётимизнинг миллий фазилятларини очишда ва ўзбек халқидаги миллийликни кўрсатишда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Ушбу мақолада ўзбек адабиётида она образининг гўзал ва бетакрор намуналарини яратган ёзувчиларнинг қиссаларини таҳлилга тортамыз.

Ўткир Ҳошимов ижодида “Дунёнинг ишлари” қиссаси адибнинг она образини яратишдаги кулминатсион нуқтаси бўлди, дейиш мумкин. Ушбу қисса нафақат ўзбек

китобхонлари ва адабиётшуносларининг балки, хориж китобхонларининг ҳам эътибори ва этирофига сазовор бўлди. Устоз адиб Саид Аҳмад “Ижод ва жасорат” мақоласида қисса ҳақида шундай эътироф этди: “Дунёнинг ишлари” асарини қисса эмас, дoston деб аташни истардим. У қўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз. Шу мушфик, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади”. Адабиётшунос А.Расулов шундай деб ёзади: “Дунёнинг ишлари” поетикасининг алоҳида синчиковлик билан ўрганиш зарур. Асарда ёзувчи маҳорати, топқирлиги, қисса жанри табиатига киритган янгилиги, энг кичик персонаж моҳиятини ҳам бир туртки, бир имо, ҳаракат билан очиб юборганлиги аниқ кўринади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўткир Ҳошимов маҳоратининг кўпдан-кўп қирралари кўпинча бевосита мана шу образнинг яратилиши ва ёритилишидаги муваффақият билан туташиб кетади. У ёки бу асардаги жозоба, асар миллийлигини белгиловчи фазилатлар нури ҳам, моҳиятан ана шу образга алоқадор бўлган зиёдан ўсиб чиқади. Демак, Ўткир Ҳошимов ижодидаги Она образини ўрганиш адиб маҳоратини белгиловчи етакчи омиллардан бирини ўрганишдир. Ёзувчининг муваффақияти қатор қаҳрамонларга асос бўладиган белгиларни баъзан бир қиёфага сингдира олиши орқали намоён бўлади. Мисол қилиб оладиган бўлсак, биргина Пошша хола образи динамикасида ўзбек аёлларига хос ранг-баранг характерли чизиқлар, масалан меҳрибонлик, соддалик, самимийлик кўзга ташланади. “Туш” ҳикоясида адиб биргина онаси мисолида, фарзанди то уйга келмагунча кўзига уйқу келмай, боласининг йўлига интизор боқиб турувчи барча ўзбек оналарини тасвирлайди. Оналар ҳаттоки бу фоний дунёни тарк этсалар ҳам, уларнинг руҳлари фарзанднинг ёмон аҳволдан безовталаниб, уларни огоҳлантиришини қўлида чироқ ушлаб, “Кўзингга қара, болам, чуқур бор”, деган сўзлари билан ифодалаган. “Сурат” номли новелласида эса, адиб, онасининг бирга суратга тушайлик, деган илтимосини бажармай, сўнгра аттанг қилган фарзанд ҳақида баён этади. Ушбу ҳолатни бугунги кунда ота-онасига вақт ажратмайдиган фарзандлар тақдири билан қиёсласак бўлади. Умуман олганда, адибнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги ҳар бир катта-кичик новеллалар бугунги кун ёшлари учун катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Исажон Султоннинг “Онаизорим” қиссасида эса, муаллиф Она образини ўзгача бир услубда талқин этади. Бир ўзбек онасининг қизалоқлигидан то умрининг охиригача бўлган содда, нури ва ёруғ ҳаётдан ҳикоя қилади. Умрининг ҳар фаслидан турлича сабоқлар олган қиз, аёл, она тасвирланади. Раъно- шиддатли, ғайрати ичига сиғмайдиган, югуриб тинмайдиган, гулдор кўйлақларни яхши кўрадиган, аммо ўйинга берилганидан уларни кир қилиб қўядиган қизалоқ. Ҳатто кимга турмушга чиқаётганини билмай, турлича ўй-хаёллар, хис-туйғулар билан янги оилага, янги хонадонга ва янги ҳаётга қадам қўйган келинчак. Фарзандларига бор меҳрини бериб, уларни кўз қорачиғидай авайлаб-асраб улғайтирган Она. Ёзувчи Раънонинг ички дунёсини турли ҳил воқеалар, қиссанинг бошқа қаҳрамонлари (онаси, дугонаси, турмуш ўртоғи, қайнонаси, фарзандлари, ҳисобчи) орқали очиб беради. Унинг яхши ва ёмон фазилатларини бирдек ёритади. Бундан ташқари муаллиф қиссада она ва қиз ўртасидаги муносабатлар, қизларни тарбиялашдаги муҳим жиҳатларга аҳамият қаратган. Она қизига салом беришдан тортиб, меҳмон кутиш, дастурхон тузаш, ҳол-аҳвол сўрашишу қай тарзда хайрлашишгача, дастурхонни

йиғиштириб, уни қандай қоқишгача ўргатади. Шаддодгина қизалоқ онасининг турли насихатлари, ўғитлари, кези келганда танбехларини эшитиб катта бўлади.

-Эркак кишиларга тик қарамагин,-дейди она

Қизалоғим, ҳар муомаланинг ўз одоби бор. Меҳмон келса, дарров янги тўшақлардан опкелиб соласан, фотиҳа қилинғач, дастурхон ёзасан. Дастурхонни тескари ёзиб бўлмайди, хафа бўлади, юзимни тескари қилди деб. Муаллиф асарида дидактик руҳ яққол намоён бўлади. Онанинг ўй-хаёллари бу ҳаёт чархпалаги ҳақида сўз юритади. Асар китобхонни ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида фикр юритишга ундайди.

Гулжаҳон Мардонованинг “Қуёшим-энам” деб номланувчи қиссаси эса, халқчил тилда ёзилган. Ёзувчи ушбу қиссада Она образини яратишда ўзига хос йўлни танлаган. Қиссадаги Она образи характер хусусияти, дунёқараши, ҳаётга муносабати, бола тарбиясидаги ўзига хослиги, либослари-ю қишлоқ аёлларига хос тақинчоқлари билан адабиётдаги бошқа оналар образидан ажралиб туради.

МУҲОКАМА

Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов китобга сўзбоши ёзиб, қуйидагича фикрларни байон этади: “Қишлоқ тонги. Кўрпаларга бурканиб олган болалик. Бешиқда ухлаётган чақалоқ, туя ва сигир соғаетган она. Буларнинг барида латифлик, табиийлик, образлилик – бир сўз билан айтганда чинакам кўнгил мавжлари, чин адабиёт бор, ўзига хос шеърят бор”. Олим “Ҳамма замонларда биллур томчида қуёшнинг нури акс этади. Гулжаҳон Мардонованинг «Қуёшим – энам» китоби бир қарашда битта оила тарихига, битта Бадахшон қишлоғи удумлари ва одамларига бағишлангандек кўринади. Файзли кунлар, байрамлар, ҳайит ва тўйлар Онанинг кўз ўнгидан ўтади. Айни дамда бунда бошига ёғилган фожиали кунларда Худонинг қисмат имзосига бўйин эгиб, жигарларига «Худонинг ёзгани – ёқалашасанми?» деб сабр тилаган чинакам ўзбек Онасининг тимсоли мужассамдир», дея таъкидлайди.

Ёзганларидан алла айтаётган оналарнинг, ёр-ёр айтаётган қизларнинг, ўлан айтаётган момоларнинг товуши келиб туради. Унинг “Қуёшим -энам” ретроспектив-воқеий асари ўз онаси ҳақида ёзилган бўлиб, қиссадаги барча воқелик “қўйлақларидан қалампирмунчокнинг ўткир, муаттар ҳиди келиб турган” Она образи теграсида бирлашади. Қуйида келтириладиган қиссадан парча таҳлили орқали оналарнинг яна бир ажиб фазилати очиб берилган ва онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрнига ишора берилган.

Энам...

Энам уйда мол-ҳол сўйилгудай бўлса юрагини авайлаб олдириб қўяди:

- Акаларинг жейди, жўрақлари товдай бўлсин, илойим.

Жигари-ю буйрагини олиб қўяди волидам.

Оналарнинг ҳамма нарсанинг фақат энг яхшисини фарзандига илиниши, ўзи емасада, киймасада, лекин, фарзандимга бўлсин дейиши баён этилган.

Бизнинг уйда отам дастурхон бошига келмагунча товоққа қўл чўзилмаган ҳеч маҳал. Буларнинг бари бизнинг онгу шууримизга сабоқ бўлиб сингиган. Бу энамнинг сабоғи Ушбу парча орқали ёзувчи бугунги кун оналари, рафиқалари учун намуна бўладиган она сиймосини гавдалантирган. Уйда Отанинг мавқеи нақадар баланд даражада эканлигини ва буни фарзандларга ўргатишда она масъул шахс эканлиги ёритилган.

ХУЛОСА

Қиссада келтирилган бир қанча ҳунарлар, маросимлар, қадриятлар номлари эса, миллийлигимизни кўрсатишга ҳизмат қилган. Жун титиш, ип йигириш, жўлхурс, тузлик, ғожари, араби гилам тўқиш, кигиз босиш, жойпеш тикиш-номлари унутилаётган қадрият ва ҳунарлар баёни келади.

Қиссани ўқиган одам унда ўз онасини, ўзбек оналарини кўра бошлайди. Зеро, оналарнинг туйғулари ўхшаш бўлади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар учала қиссада она образи турлича воқеликлар ёрдамида гавдалантирган. Лекин, оналар учун умумий фазилятларни, характерни намоён этган.

REFERENCES

1. Саид Аҳмад. Ижод ва жасорат. (Ў. Ҳошимов ҳақида). Йўқотганларим ва топганларим. Хотиралар. Адабий ўйлар. – Т., “Шарқ” нашр. Б. 226-232.
2. Дуйсенбаев О. И. Ўтқир Ношимов ижодида она образи. Филол.фан.номзоди. дисс... Т.: 2011. – 144 б.
3. Ўтқир Ҳошимов. Дунёнинг ишлари. Янги аср авлоди. Т: 2015. 336 бет.
4. Султон Исажон. Асарлар. Романлар ва қиссалар. 2-жилд, Т.: 2017. 384 б.
5. Мардонова Г. Куёшим – энам. – Тошкент: Шарқ, 2021. – 207 б.
6. Носиров У. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981.–Б.76.,
7. www.ziynet.uz